

**XALQ DEPUTATLARI  
ELLIKQAL'A TUMANI  
KENGASHI  
QARORI**



**XALÍQ DEPUTATLARÍ  
ELLIKQALA RAYONLÍQ  
KENESINIŃ  
SHESHIMI**

2022 - yil 26 - yanvar

VI-36-10-13-194-K/22

Ellikqal'a tuman hokimligi

**Қорақалпоғистон Республикаси прокуратурасининг 27.12.2021 йилги хатини  
муҳокама қилиш тўғрисида**

Қорақалпоғистон Республикаси прокуратурасининг 27.12.2021 йилги хатини, Халқ депутатлари Эллиққалъа тумани Кенгашининг Регламент ва депутатлик одоби масалалари бўйича доимий комиссиясининг 15.01.2022 йилги баённомасидаги таклифини кўриб чиқиб ҳамда “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонунининг 6 ва 24-моддаларига мувофиқ халқ депутатлари Эллиққалъа туман Кенгаши

**ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Халқ депутатлари Эллиққалъа тумани Кенгашининг Регламент ва депутатлик одоби масалалари бўйича доимий комиссиясининг 15.01.2022 йилги баённомасининг қарори маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси прокуратурасининг 27.12.2021 йилги хати маълумот учун қабул қилинсин.

3. Ўзбекистон Либерал-демократик партияси аъзоси, Эллиққалъа тумани 27-сон “Усман Юсупов” сайлов округидан Халқ депутатлари Эллиққалъа тумани Кенгашига депутат Аvezов Сейдамат Сейдалимовичнинг депутатлик ваколати давом эттирилиши тўғрисидаги Халқ депутатлари Эллиққалъа тумани Кенгаши депутатларининг таклифлари тасдиқлансин.

4. Ушбу қарор Қорақалпоғистон Республикаси прокуратурасига тақдим этилсин.

5. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш Халқ депутатлари Эллиққалъа туман Кенгашининг Регламент ва депутатлик одоби масалалари бўйича доимий комиссияси раиси И.К.Ходжаниязов зиммасига юклансин.

6. Туман ҳокимлигининг ахборот хизмати раҳбари Т.Нуримовага мазкур қарорни туман ҳокимлигининг расмий веб-сайтига жойлаштириш ва оммавий ахборот воситаларида эълон қилиш вазифаси юклансин.

7. Ушбу қарор қабул қилинган кундан кучга киради.

**Kengash raisi**



**Avezov S. S.**